

АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

- Ой якунларига кўра, савдоларнинг умумий ҳажми 4,06 трлн сўми (317,02 млн доллар) ташкил этиб, 2024 йилнинг июн ойига нисбатан 3,86 трлн сўмга ёки 21 баробарга ўсди.
- Шу билан бирга, 3,45 трлн сўми (269,87 млн доллар) ёки битимлар ҳажмининг 85,16 фоизи биржа котировкалаш варағига киритилган қимматли қоғозлар билан тузилган битимларга тўғри келди. Савдо ҳажмининг қолган қисми листингдан ташқари савдо майдончаси (ЛТСМ) битимларига тўғри келди.
- Биржа савдо майдончаларидаги битимларнинг умумий сони 22 821 тани ташкил этиб, бу 2024 йилнинг июн ойига нисбатан 18 436 тага ёки 44,69 фоизга камайди. Шундан 19 256 та битим Биржанинг биржа котировкалаш варағига киритилган қимматли қоғозлар билан, 3 565 та битим эса листингдан ташқари савдо майдончасида амалга оширилган.
- Ўртача кунлик савдо ҳажми 202,82 млрд сўми (15,85 млн доллар), ўртача кунлик битимлар сони эса 1 141 тани ташкил этди.
- Ой якунига кўра, UCI индекси 3,05% фоизга пасайиб, 639,75 пунктни ташкил этди.

БОЗОР ШАРҲИ

АКЦИЯ БОЗОРИ

Акциялар бозоридаги савдолар ҳажми 3,34 трлн сўми (260,70 млн доллар) ташкил этиб, 2024 йилнинг июн ойига нисбатан 3,15 трлн сўмга ёки 18 баробарга ўсди. Шу ўринда, савдоларнинг асосий ҳажми (3,28 трлн сўм) Free of Payment (FoP) платформасига тўғри келди.

Акциялар бозорида савдоларнинг ўртача кунлик ҳажми 166,90 млрд сўми (13,04 млн доллар), ўртача кунлик битимлар сони эса 919 тани ташкил этди.

Ой якунига кўра, акциялар бозорининг капиталлашуви 5,53 трлн сўмга ёки 2,23 фоизга камайиб, 242,77 трлн сўми (19,19 млрд доллар) ташкил этди. Эркин муомалада бўлган (free float) акцияларнинг бозор капиталлашуви 4,09 трлн сўми (323,50 млн доллар) ташкил этди.

Ой якунига кўра, 93 та акция эмитентларининг 135 та инструментлари Биржа котировкалаш варағида мавжуд эди.


Акциялар бозорининг асосий кўрсаткичлари

		5/2021	5/2022	5/2023	5/2024	5/2025
Савдо ҳажми	млн сўм	73 250	38 217	97 215	189 249	3 338 016
Ўртача кунлик савдо ҳажми	млн сўм	3 330	1 737	5 117	10 514	166 901
Битта битимнинг ўртача ҳажми	млн сўм	11	5	3	5	182
Битимлар сони	дона	6 864	7 602	28 600	37 733	18 389
Ўртача кунлик битимлар сони	дона	312	346	1 505	2 096	919

UCI ИНДЕКСИ

UCI индекси ой давомида 3,05 % фоизга пасайиб, 639,75 пункт даражасида ёпилди.

2025 йил июн ойидаги UCI индекси графиги



ОБЛИГАЦИЯЛАР БОЗОРИ

Корпоратив облигациялар бозорида савдолар ҳажми 116,17 млрд сўми (9,17 млн доллар) ташкил этиб, 2024 йилнинг июн ойига нисбатан 113,01 млрд сўмга ёки 37 баробарга ошди.

Облигациялар бозорида савдоларнинг ўртача кунлик ҳажми 5,81 млрд сўми (458,36 минг доллар), ўртача кунлик битимлар сони 43 тани ташкил этди.

Биржа котировкалаш варағига киритилган облигацияларнинг бозор қиймати 1,46 трлн сўми (115,48 млн доллар) ташкил этди.

Ой якунига кўра, 8 та облигация эмитентларининг 17 та инструментлари Биржа котировкалаш варағида мавжуд эди.

Облигациялар бозорининг асосий кўрсаткичлари

		5/2021	5/2022	5/2023	5/2024	5/2025
Савдо ҳажми	млн сўм	270	30 000	6 616	3 167	116 174
Ўртача кунлик савдо ҳажми	млн сўм	12	1 364	348	176	5 809
Битта битимнинг ўртача ҳажми	млн сўм	90	4 286	147	8	134
Битимлар сони	дона	3	7	45	419	867
Ўртача кунлик битимлар сони	дона	0,1	0,3	2	23	43

ЛИСТИНГ

Ой охирида биржа котиловкалаш варағида 101 та эмитентнинг 152 та инструментлари мавжуд эди.

ЛИСТИНГДАН ТАШҚАРИ САВДО МАЙДОНИ (ЛТСМ)

Ой якунига кўра, Биржанинг листингдан ташқари савдо майдончасида 3 565 та битим тузилиб, ўтган йилнинг июн ойига нисбатан 14,81% га ошди.

Савдолар ҳажми 602,15 млрд сўмни (47,15 млн доллар) ташкил этиб, ўтган йилнинг июн ойига нисбатан 254 баробар ошди.

93 та эмитентнинг қимматли қўғозлари битимлар объекти бўлди.